ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

# FarDU.
# ILMIY
# XABARLAR-

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

# НАУЧНЫЙ
# ВЕСТНИК.
# ФерГУ

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

**Н.Бувақов**
Турк хоқонлиги ва суғдлар (симбиоз ва ассимиляция жараёнлари: тарихшунослик таҳлили)........ 84

АДАБИЁТШУНОСЛИК

**Н.Йўлдошев**
Чўлпоннинг бармоқ вазнидаги шеърлари........ 88
**Г.Эрназарова**
Медитатив шеъриятда тарихий ўтмиш ва аждодлар образининг метафориклашуви (А.Орипов шеърияти мисолида)........ 94
**С.Жумаева**
Ёрдамчи персонажларнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари........ 98
**Ҳ.Жўраев, С.Хўжаев**
Образ, бадиий-фалсафий ният ва ғоявийлик........ 102
**А.Тўйчиев**
Нурали Қобул ижодига умумий назар........ 106

ТИЛШУНОСЛИК

**Ш.Искандарова, Ш.Ганиева**
Тил илмининг етук дарғаси........ 110
**А.Мамажонов, А.Абдуллаев**
Рамз ва унга ёндош ҳодисалар хусусида........ 114
**Ғ.Хошимов, З.Қўчқорова**
"Тўй" концепти вербализаторларининг лингвокогнитив майдони ва лингвокультурологик жиҳатларининг қиёсий тадқиқи........ 119
**Н.Умарова**
Навоий асарларида "сўз" концепти........ 126
**И.Мадраҳимов**
Тасниф − тадқиқотнинг ибтидоси ва интиҳоси........ 130
**Д.Мадазизова**
Сленг ва унга ёндош ҳодисалар........ 134
**А.Саминов**
Антитеза ва оксюморон усулларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида........ 138

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

**Н.Ўринова**
Ижтимоий-психологик тренинглар ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг инновацион технологияси сифатида........ 142
**Ш.Бойханов**
Табақалаштирилган таълимнинг талабалар паремиологик компетенциясини ривожлантиришдаги самарадорлиги........ 147
**З.Позилжонова**
Маданиятлараро мулоқот тушунчаси ва унинг шаклланиши........ 151

ИЛМИЙ АХБОРОТ

**С.Муртазова**
XX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда мусиқа фани ва илмининг ривожи ҳамда намояндалари фаолияти тарихидан........ 154
**Н.Комилов**
Ватан тараққиёти учун бағишланган умр (Қўқонлик жадид Обиджон Абдуҳолиқ ўғли Маҳмудов ҳақида)........ 157
**М.Болтабоев**
Советлар даврида диний конфессияларга бўлган муносабат тарихи........ 161
**С.Юлдашев**
VIII–X асрларда Фарғона водийси иқтисодий ҳаётининг араб манбаларида ёритилиши........ 164

necessary equipment, in the autumn of 1948 it did not take any measures to record Uzbek music. In addition, the conservatory did not train a specialist in folklore during these years [13, p. 36]. However, on the basis of materials collected before the war, the preparation of textbooks, manuals and pamphlets continued. 1945 "Essays on the development of music culture in Uzbekistan since the distant past" by V. Belyaev, "Textbook on the structure of Uzbek music", "Uzbek weddings" by I. Akbarov, 1946 "Genres of Uzbek music" by E. Romanovskaya, 1949 by Yu. Uzbek folk songs as word structures "[14, v. 9].

In the post-war years at the Tashkent State Conservatory, especially at the Department of History, Theory and Composition, research work was carried out live, and a number of teachers of the department worked on PhD and doctoral dissertations. V.A.Uspensky, E.Romanovskaya, O.Polikarpova, T.Vizgo's are among them [15, 98-100-v.].

The lack of necessary scientific literature, especially in the conservatory library, hindered the implementation of research work [15, pp. 98-100].

In 1953, the Board of the Ministry of Culture of the USSR discussed the scientific activities of the Research Institute of Art History. The board noted that although in 1952 the researchers of the institute submitted 4 completed works to the publishing house, there are many shortcomings in this regard. Many topical issues were not included in the research plan of the institute [16, pp. 98-100].

There was no research on the history of Uzbek folk music among the research conducted by researchers [16, pp. 98-100].

Thus, in the first half of the twentieth century, research work in the field of music was carried out, including the recording and publication of classical music and Uzbek folk songs, as well as the organization of special expeditions. A number of enthusiastic representatives of the industry have been active in the study and recording of Uzbek folk songs. As a result of their efforts, the basis was laid for the transmission of unique musical works of their time from generation to generation. Dedicated scientists and local representatives evacuated to Uzbekistan as a result of the Second World War also made a worthy contribution to the development of musicology and research in the field.

**References:**

1. Karomatov F. Uzbek music in the Soviet era. — T/, 1967.
2. Пути развития узбекской музыки. (Сб.ст.под редакцией проф.С.Л.Гинзбурга). –Ленинград: Искусство, 1946.
3. RajabovI. Makam's. — T., 2006.
4. Романовская Е.Е. Статьи и доклады. Записимузыкальногофольклора. –Т., 1957.
5. TashkentcityStatearchive. 360 stock, 1 list, 300 works, 1-6 sheets.
6. National Archive of Uzbekistan, Fund R-2731, List 1, Case 58, page 4.
7. UzNA, R-2731-fund, 1st list, 4th work, 6th sheet.
8. UzNA, Fund R-2731, List 1, Case 4, Sheet 7.
9. UzNA, Fund 2744, List 1, Case 80, Sheet 4.
10. UzNA, Fund R-2731, List 1, Work 4, Pages 7-8.
11. UzNA, Fund 2744, List 1, Case 80, Pages 5-6.
12. UzNA, R-2731-fund, 1-n-list, 58-work, 10-sheet.
13. UzNA, Fund 2744, List 1, Case 80, Sheet 36.
14. UzNA, R-2731-fund, 1-n-list, 58-work, 9-sheet.
15. UzNA, fund 837, list 32, case 7206, pages 98-100.
16. UzNA, Fund 2087, List 1, Case 689, Pages 9-11.
17. Institute of Art History of the Academy of Arts of Uzbekistan. Issues of art criticism.// Collection of scientific articles. — T., 1998.
18. Ganieva I.A. "Tanovor" in Uzbek music (in terms of historical and theoretical problems). Abstract of the dissertation submitted for the degree of Candidate of Arts. — T., 2008.

*(Reviewer: M.Isomiddinov – doctor of historical sciences, professor).*

УДК 9 (93)

# ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН УМР
(қўқонлик жадид Обиджон Абдуҳолиқ ўғли Маҳмудов ҳақида)

# ЖИЗНЬ, ПОСВЯЩЕННАЯ ПРОГРЕССУ РОДИНЫ
(о кокандском джадиде Обиджоне Абдухалик оглы Махмудове)

# A LIFE DEDICATED TO THE DEVELOPMENT OF HOMELAND
(About jadid of Kokand Obidjon Abduhalik ogli Makhmudov)

**Н.Комилов[1]**

[1] **Н.Комилов** – *ТТА Фарғона филиали декан ўринбосари*

***Аннотация***

*Мақолада Қўқон жадидларининг етакчиси, ношир ва геолог олим Обиджон Абдухолиқ ўғли Маҳмудовнинг (1871-1936) ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар архив манбалари асосида ёритилган. Шунингдек, олимнинг тадқиқотчилар ҳамда кенг жамоатчиликка маълум бўлмаган қирралари тўғрисида ҳам фикр юритилган.*

***Аннотация***

*В статье на основе архивных источников представлены сведения о жизни и творчестве предводителя кокандских джадидов, издателя и геолога Обиджона Абдухолик оглы Махмудова (1871-1936). В ней также обсуждаются неизвестные исследователям и широкой общественности грани ученого.*

***Annotation***

*Based on archival sources, the article presents information about the life and work of the leader of the Kokand Jadids, the publisher and geologist Obidzhon Abdukholik ogli Makhmudov (1871-1936). It also discusses aspects of the scientist that are unknown to researchers and the society.*

***Таянч сўз ва иборалар**: жадид, Туркистон мухторияти, ношир, чор Россияси, маърифатпарварлик, иқтисодий мустақиллик, Конибодом, ёш бухороликлар.*

***Ключевые слова и выражения**: джадид, Туркестанская автономия, издатель, царская Россия, просветительство, экономическая независимость, Канибадам, молодые бухарцы.*

***Keywords and expressions:** jadid, Turkestan autonomy, publisher, tsarist Russia, enlightenment, economic independence, Konibodom, young Bukhara people.*

Она-ватанимиз тарихини ўрганишнинг энг муҳим йўналишларидан бири – асрлар давомида шаклланиб келган миллий урф-одатларимиз, манбаларимизни ўрганиш билан биргаликда, шу юрт учун муносиб ҳисса қўшган йирик давлат арбоблари, олимлар ҳаётини ўрганишдан иборат. Сабаби тарихдаги энг ёрқин воқеалар ва шахсларни таҳлил қилиш - бу халқларнинг мавжудлиги ҳақидаги кенг қамровли тасаввурни ривожлантиради. Подшо Россияси мустамлакачилиги ҳамда Совет иттифоқи даври ҳам мамлакатимиз тарихида алоҳида ўрганишни, объективликни тақозо этиши фикримизга далилдир.

XIX аср охири – XX асрнинг биринчи чорагида Туркистон жамиятининг моддий ва маданий ҳаётида сезиларли ўзгаришлар бўлиб, хонликларнинг тугатилишидан тортиб, миллий тараққийпарварликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, Туркистон Мухториятининг ташкил этилиши ва қонга ботирилиши, шунингдек миллий ҳудудий чегараланишнинг ўтказилиши каби хали ханууз ўз аҳамиятини йўқотмаган долзарб мавзуларни алоҳида таъкидлаш мумкин. Шу давр жамиятининг бор ўзгаришларини бошидан кечирган қаҳрамон – Обиджон Маҳмудов, унинг ҳаёт йўлини, маърифатпарварлик ғояларини омма эътиборига етказиш – тарихчи учун ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланади.

Обиджон Маҳмудовнинг (1871-1936) замондошлари ва ундан кейинги барча олимлар ҳамда сиёсатчиларнинг фикрича, Туркистонда юз берган ўзгаришларни тўлиқ тушуниб етган ва жамият ривожи учун борича харакат қилган шахсдир. Унинг хаёт фаолиятини ўрганиш давомида бу шахснинг нафақат филантроп, балки йирик олим ва маърифатпарвар эканлиги кўринади.





По Вх. №........

СПРАВКА

изъ дѣлъ Туркестанскаго Районнаго Охраннаго Отдѣленія.

1/ Фамилія -

2/ Имя -

3/ Отчество -

4/ Кличка партійная

5/ Возрастъ или время рожденія

6/ Профессія или занятіе

7/ Образованіе

8/ Званіе

9/ Мѣсто приписки

10/ Народность -

11/ Вѣроисповѣданіе

12/ Мѣсто настоящаго жительства

13/ Семейное положеніе и родственныя связи

14/ Примѣты:

15/ Имѣются-ли фотографіи и гдѣ

16/ Перечень статей розыск. Ц. Д. П.









Туркестанская Советская
Федеративная Республика

Кокандский Совет
Рабочих, красноармейских
и мусульманских депутатов

ОТДЕЛ ОБЩИЙ

21 июня 1920 года.

АТТЕСТАТ

Председатель Ревкома подпись
Секретарь подпись



В.С.Н.Х.
Центральный Комитет
Текстильной промыш.
"Центротекстиль"

ОТДЕЛ СНАБЖЕНИЯ
Хлопковый подотдел

А.А. МАХМУДОВУ
в Москве

Сентября 3 дня 1919г.

МОСКВА,
Варваровская площадь,
"Деловой двор"
подъезд № 1

телеф. 49-41, 49-42

Заведующий хлопковым Подотделом подпись
Заведующий расчетным Отделом подпись
Печать Секретарь подпись

Бугунги замонавий тил билан айтадиган бўлсак, унинг ғоялари либерал жадидизмнинг ёрқин қирраларини ўзида акс эттирадиган, шунингдек, фақат халқи учун ёниб яшашга ундайдиган барҳаёт ғоялар эди.

Умуман олганда, О.Маҳмудов томонидан кўтарилган муаммоларнинг кўпчилиги ўша давр сиёсий, иқтисодий тенденцияларидан келиб чиққан, шунинг учун ҳам халқ ижтимоий - сиёсий тафаккурига сингиб кетган эди. У бир тарафдан Туркистонни мустақил иқтисодиётга эришуви ҳақида ўйлаган бўлса, иккинчи тарафдан халқ маърифатли бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритган эди. Унинг қишлоқ хўжалиги, иқтисод ва матбуот соҳасидаги муваффақиятларини кўп марта тилга олиш мумкин, аммо сиёсий жиҳатдан олиб қараганда, барча йирик жадид вакиллари каби ягона ва мустаҳкам давлат тузиш орзусига эриша олмади. Шундай бўлсада, архив маълумотларига кўра, Маҳмудов Туркистонда мустақил бошқарув тузиш, уни иқтисодий жиҳатдан эркин бўлиши, шунингдек, халқни маърифатли қилиш учун етарлича ишлар олиб борганига гувох бўламиз. Унинг харизматик йўлбошчи эканлигини Марказий давлат архивидаги 1907 йил 15-декабрда руслар томонидан ташкил этилган “Туркистон хавфсизлик бошқармаси” (Отделение для производства дел по охранению общественного порядка и спокойствия) томонидан О.Маҳмудов учун мунтазам кузатув ташкил этилгани ҳамда унинг номига алоҳида иш очилганидан билиб олиш мумкин [1.1]. Ушбу иш жами тўрт бетдан иборат бўлиб, унинг биринчи бети “Справка по делам Туркестанского районного охранного отделения” деб номланиб, унда Маҳмудовнинг тўлиқ исми ва шарифи, қаерда туғилгани ва лақаби ҳам келтирилган [2].

Ушбу маълумотноманинг иккинчи бетида эса 1914 йилги № 5069 – сонли ҳамда 1916 йилги №1577-сонли махфий маълумотлар акс эттирилган. №5069 сонли хатда Обиджоннинг 1914 йилда “Садойи Фарғона” газетасини ташкил этгани ва бу подшо ҳукуматига қарши прогрессив руҳда экани айтилган. 1916 йилги №1577-сонли маълумотномада эса унинг маҳаллий аҳолини подшо ҳукуматига қарши ундаётгани ва бу ҳолат Германия ҳамда Туркия давлатлари таъсири остида бўлиши мумкинлиги таъкидланган [3.3].

Учинчи бетда эса 1916 йилги № 4093-сонли маълумотнома бўлиб, унда 1916 йилнинг 13 сентябрида О.Маҳмудов номига Мулла Бобожон Шарифбой номидан хат келгани ва унда Мулла Қурбон томонидан берилган жами 2500 рубл миқдоридаги пул маблағи Мулла Сулаймонқул Байбачига етказилгани, у ўз навбатида ушбу пулларни Афғонистон орқали Туркияга жўнатиши акс эттирилган [4.4].

Маълумотноманинг тўртинчи бетида юқорида номлари келтирилган шахслар Маҳмудов билан ҳамфикр бойлар эканлиги ҳамда Конибодомда ўз мулкларига эга эканлиги таъкидланган. Ушбу маълумотлардан маълумки, Обиджон ўз атрофидаги инсонлар билан Подшо ҳукуматини ағдариш ва бу ерда яшовчи халқни маърифатли қилиш, шунингдек